



## Matters relating to administrative prejudice in some foreign criminal law

Farkhod KHOLIKOV<sup>1</sup>

Tashkent State University of Law

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received August 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 15 October 2023

Available online

25 November 2023

**Keywords:**

foreign experience,  
criminal liability,  
administrative liability,  
administrative prejudice,  
degree of public danger,  
criminal classification,  
public danger

### ABSTRACT

In this article, the author covered issues related to administrative prejudice in the criminal law of some CIS member states.

The author notes that in the analysis of issues related to administrative prejudice in the criminal law of some foreign countries, administrative prejudice is directly related to administrative punishment for committing an administrative offense since the legislation on administrative offenses is intended to separate the existing states.

It should be noted that in most foreign law enforcement, administrative offense is not distinguished as an independent type of offense. Responsibility for committing such offenses is provided for within the framework of criminal law. Examples of it are the United Kingdom and Anglo-American law enforcement such as Northern Ireland, the United States, Canada, Australia, New Zealand, and states such as Bahrain, Jordan, Kuwait, Syria, and Lebanon.

Scholars' views on administrative prejudice, scientific-theoretical views on whether or not it is in criminal law, and the author's positivity are also included.

In the article, the following conclusions were drawn by the author: first, the positive experience of the above states, in particular, the issue of setting a specific deadline for which criminal liability may arise for committing such a crime more than once, may serve to improve national criminal law; secondly, administrative prejudice is now used in the criminal law of the Russian Federation, the Republic of Belarus, Georgia, Turkmenistan, Tajikistan, while in the criminal law of Estonia, Kazakhstan, Kyrgyzstan it was once used and is not currently used; thirdly, it is advisable to decriminalize certain administrative pre-trial criminal compositions from the Criminal Code. In this case, it will be appropriate to shift certain norms from formal to material content, paying attention only to the

<sup>1</sup>Independent researcher, Tashkent State University of Law. E-mail: [fxolikov@internet.ru](mailto:fxolikov@internet.ru)

level of social danger, and distribute some of them in accordance with quality indicators.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss5-pp31-41>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Баъзи хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида маъмурий преюдицияга оид масалалар

### **Калит сўзлар:**

хорижий тажриба,  
маъмурий жавобгарлик,  
маъмурий преюдиция,  
ижтимоий хавфлилик  
даражаси,  
жиноят таснифи,  
ижтимоий хавф

### **АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада муаллиф баъзи МДҲга аъзо давлатларнинг жиноят қонунчилигида маъмурий преюдицияга оид масалаларни ёритган.

Шунингдек, мақоладан олимларнинг маъмурий преюдиция бўйича қарашлари, унинг жиноят қонунчилигида бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақидаги илмий-назарий қарашлар ҳамда муаллиф фикри ўрин олган.

Мақолада муаллиф томонидан айрим давлатларнинг ижобий тажрибаси, хусусан, маъмурий преюдицияли жиноятларда худди шундай жиноятни бир мартадан кўп содир этганлик учун жиноий жавобгарлик вужудга келиши мумкин бўлган аниқ муддатни белгилаш масаласи миллий жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин; маъмурий преюдиция ҳозирда Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Грузия, Туркманистон, Тожикистон жиноят қонунчилигида қўлланилиши, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон жиноят қонунчилигида эса бир вақтлар қўлланилган ва ҳозирда эса қўлланилмаслиги; айрим маъмурий преюдицияли жиноят таркибларини Жиноят кодексидан декриминализация қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келинган. Бунда қилмишларни фақатгина ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор бериб, айрим нормаларни формалдан моддий таркибга ўтказиш ва айримларини эса сифат кўрсаткичларига мувофиқ тақсимлаш ўринли бўлади.

## Вопросы, касающиеся административной преюдиции в уголовном праве некоторых зарубежных стран

### **Ключевые слова:**

зарубежный опыт,  
уголовная  
ответственность,  
административная  
ответственность,  
административная  
преюдиция,

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье автор осветил вопросы, связанные с административной преюдицией в уголовном праве некоторых государств - участников СНГ.

Автор статьи акцентирует внимание на вопросах, касающихся административной преюдиции в уголовном праве ряда зарубежных стран. Подчеркивается, что административная преюдиция тесно связана с административным наказанием за административные

---

степень общественной  
опасности,  
уголовная классификация,  
общественная опасность

---

правонарушения, главная роль которых — установление границ между различными состояниями.

Автор делает акцент на том, что в большинстве иностранных юрисдикций административные правонарушения не рассматриваются как отдельный вид правонарушений. Вместо этого, ответственность за них обычно урегулирована в рамках уголовного права. Это особенно актуально для стран с англо-американской системой права, таких как Соединенное Королевство, Северная Ирландия, США, Канада, Австралия, Новая Зеландия, а также для некоторых стран Ближнего Востока, включая Бахрейн, Иорданию, Кувейт, Сирию, Ливан.

Кроме того, статья включает анализ научных мнений относительно концепции мамуриуса преудисии (возможно, это термин специфичный для определенной юридической традиции или конкретной научной работы, и он требует дополнительного контекста), а также научно-теоретические рассуждения о том, существует ли такое понятие в уголовном праве или нет. Автор статьи выражает позитивную оценку обсуждаемой тематики.

В статье автором были сделаны следующие выводы: во-первых, положительный опыт вышеуказанных государств, в частности, вопрос об установлении конкретного срока, в течение которого может наступить уголовная ответственность за совершение такого преступления более одного раза, может послужить совершенствованию национального уголовного законодательства; во-вторых, административная преюдиция в настоящее время используется в уголовном праве Российской Федерации, Республики Беларусь, Грузии, Туркменистана, Таджикистана, в то время как в уголовном праве Эстонии, Казахстана, Кыргызстана оно когда-то использовалось и в настоящее время не используется; в-третьих, целесообразно исключить из Уголовного кодекса некоторые административные досудебные уголовные составы. В этом случае будет уместно перенести определенные нормы с формального содержания на материальное, обращая внимание только на уровень социальной опасности, и распределить некоторые из них в соответствии с показателями качества.

Баъзи хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида маъмурий преюдицияга оид масалаларни таҳлил қилишда маъмурий преюдиция маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун маъмурий жазога тортилганлик билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид қонунчилиги мавжуд давлатлар ажратиб олиниши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, кўпгина хорижий ҳуқуқ-тартиботларда маъмурий ҳуқуқбузарлик мустақил ҳуқуқбузарлик тури сифатида ажратилмаган. Бундай ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик жиноят қонунчилиги

доирасида назарда тутилган. Буюк Британия ва Шимолий Ирландия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия каби англо-америка ҳуқуқ тартиботлари, Баҳрайн, Иордания, Қувайт, Сурия, Ливан каби давлатларни бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Англо-америка ҳуқуқ тартиботларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси мавжуд эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарликка ўхшаш бўлган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик масаласи жиноят қонунчилигида назарда тутилган.

Роман-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи Франция, Германия, Италия, Испания ва бошқаларнинг ҳуқуқ тизимларида, шунингдек, Индонезия, Мексика, Озарбайжон, Марокаш, Филиппин, Бразилия, Ливан ва бошқалар ҳуқуқ тизимларида узоқ вақт давомида фақат жиноятлар ва бошқа жиноий ҳуқуқбузарликлар мавжуд бўлган.

Бироқ, XX асрда жадал технология тараққиёти, глобализация (транспорт, ахборот технологиялари, саноатнинг ривожланиши, иқтисодиётнинг ўсиши) туфайли жарима билан жазоланадиган майда ҳуқуқбузарликлар сони кескин ўсиб борди. Анъанавий суд жараёнлари асосида қурилган классик жиноий одил судлов энди бундай ҳуқуқбузарликларга қарши тура олмай қолди [1].

Натижада, Европа мамлакатларида жарима билан жазоланадиган майда ҳуқуқбузарликлар сонининг кескин ўсишини камайтириш муаммосини расмий ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилишнинг иккита варианты вужудга келди.

Франция ва Белгия каби давлатлар жиноий қилмишларнинг уч босқичли таснифини сақлаб қолди, “жиноий ҳуқуқбузарликлар”ни ўзларининг жиноят кодекслари доирасида қолдирди. Бироқ мувозанатни сақлаш учун улар бир қатор “жиноий ҳуқуқбузарликлар” бўйича ишларни иложи борича соддалаштириб, уларни суд ваколатидан маъмурий органлар (биринчи навбатда полиция) ваколатига ўтказдилар [2].

Германия ва Италия каби давлатлар ўзларининг жиноят кодексларидан майда “жиноий ҳуқуқбузарликларни” олиб ташлади, жиноий қилмишларнинг икки босқичли (жиноят ва жиноий ножўя қилмиш) таснифини сақлаб қолди.

Бунда “жиноий ҳуқуқбузарликлар” “маъмурий” деб номлана бошлаган “майда ҳуқуқбузарликлар”га айланди. Уларни содир этганлик учун жазолаш судларга эмас, балки маъмурий органларга юкланди [3].

Ғарбий Европа мамлакатларида жиноий ҳуқуқдан мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид норма-тақиқларни ўз ичига олувчи маъмурий ҳуқуқнинг шаклланишига кўп жиҳатдан Страсбургдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг фаолияти таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, 1984 февралдаги Оцтюрк Германияга қарши иш бўйича қарорида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳар қандай “маъмурий ҳуқуқбузарликлар” кенг маънода жиноят ҳуқуқининг бир қисми бўлиб қолишини кўрсатиб ўтди (criminalmatter ёки matière pénale) [4]. Бунинг натижасида Ғарбий Европа мамлакатларида бир вақтлар ягона жиноят ҳуқуқидан ажралиб чиққан, майда ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутадиган маъмурий-деликт нормаларининг жиноят ҳуқуқи билан “кенг маънода жиноят ҳуқуқи” даражасида қўшилиши кузатилди.

Шундай қилиб, Марказий ва Ғарбий Европа мамлакатларида жиноят қонунчилигидан алоҳида бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида

қонунчилик вужудга келмаган ва шунинг учун маъмурий преюдиция қўлланилмайди.

Маъмурий преюдиция ҳозирда Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Грузия, Туркменистон, Тожикистон жиноят қонунчилигида қўлланилади, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон жиноят қонунчилигида эса бир вақтлар қўлланилган ва ҳозирда эса қўлланилмайди.

Россия Федерацияси ЖКнинг қуйидаги моддаларида маъмурий преюдиция назарда тутилган [5]: 116.1-модда (Маъмурий жазога тортилган ёки судланганлиги бўлган шахс томонидан дўппослаш), 151.1-модда (Вояга етмаганларга алкоғолли ичимликларни чакана сотиш), 157-модда (Болалар ёки меҳнатга лаёқатсиз оналарни моддий таъминлаш учун маблағ тўламаслик), 158.1-модда (Маъмурий жазога тортилган шахс томонидан содир этилган майда талон-тарож), 212.1-модда (Йиғилиш, митинг, намойиш, юриш ёки пикетни ташкил қилиш ёки ўтказиш учун белгиланган тартибни бир мартадан кўп бузиш), 215.3-модда (Нефт қувурлари, нефт маҳсулотлари қувурлари ва газ қувурларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга келтириш), 215.4-модда (Қўриқланадиган объектга ноқонуний кириш), 264.1-модда (Маъмурий жазога тортилган ёки судланганлиги мавжуд шахс томонидан маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш), 282-модда (Нафрат ёки адоватни қўзғатиш, шунингдек, инсон қадр-қимматини камситиш), 284.1-модда (Россия Федерацияси ҳудудида фаолиятини номақбул деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилинган хорижий ёки халқаро нодавлат ташкилот фаолиятини амалга ошириш), 314.1-модда (Маъмурий назоратдан бўйин товлаш ёки федерал қонунга мувофиқ суд томонидан белгиланган чеклов ёки чекловларга такрорий риоя қилмаслик).

Юқоридаги моддалар матнига эътибор қаратадиган бўлсак, 116.1, 151.1, 157, 158.1, 171.4, 215.4, 264.1-моддаларда, хусусан: 116.1-моддада (“Жисмоний оғриқни келтириб чиқарадиган, аммо ушбу Кодекснинг 115-моддасида кўрсатилган оқибатларга олиб келмайдиган ва ушбу Кодекснинг 116-моддасида назарда тутилган жиноят таркибининг белгилари бўлмаган дўппослаш ва бошқа зўрлик ҳаракатларини худди шундай қилмиш учун маъмурий жазога тортилган шахс томонидан содир этиш”) маъмурий преюдиция белгиси “худди шундай қилмиш учун маъмурий жазога тортилган деб ҳисобланган даврда маъмурий жазога тортилган шахс томонидан содир этилган”лик тарзида ифодаланган бўлса, 212.1, 284.1, 314.1-моддаларда, хусусан: 212.1-модда диспозициясида (“Йиғилиш, митинг, намойиш, юриш ёки пикетни ташкил этиш ёки ўтказиш учун белгиланган тартибни бузиш, агар ушбу қилмиш бир мартадан кўп содир этилган бўлса” ва модданинг эслатмасида “Шахс томонидан содир этилган йиғилиш, митинг, намойиш, юриш ёки пикетни ташкил этиш ёки ўтказишнинг белгиланган тартибини бузиш, агар ушбу шахс илгари Россия Федерацияси “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида”ги кодексининг 20.2-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни юз саксон кун ичида икки мартадан кўпроқ содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, йиғилиш, митинг, намойиш, юриш ёки пикетни ташкил этиш ёки ўтказишнинг белгиланган тартибини бир мартадан кўп бузиш деб тан олинади”) маъмурий жазога тортилган шахс эмас, балки “маъмурий жавобгарликка тортилган шахс” ҳақида сўз боради. Назаримизда, маъмурий жазога тортилган шахс ва маъмурий жавобгарликка тортилган шахс атамаларини ўзаро

мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур атамаларнинг амалиётда қўлланишида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олади.

Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг қуйидаги моддаларида маъмурий преюдиция назарда тутилган [6]: 174-модда (Ота-оналарнинг болаларни моддий таъминлашдан ёки давлат таъминотидаги болаларни моддий таъминлаш учун давлат томонидан сарфланган харажатларни қоплашдан бўйин товлаш), 1771-модда (Болаларни фарзандликка олиш бўйича ноқонуний ҳаракатлар), 1981-модда (Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 201-модда (Муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар ва саноат мулкига бўлган ҳуқуқларининг бузилиши), 2281-модда (Товарларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши), 2951-модда (Ов ўқотар қуролларига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар), 296-модда (Совуқ қуролларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар), 297-модда (Газ, пневматик ёки улоқтириш қуролларига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар), 304-модда (Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 3171-модда (Мастлик ҳолатида бўлган шахс томонидан транспорт воситасини бошқариш, транспорт воситасини бошқаришни бундай шахсга бериш ёки текширувдан (гувоҳлантиришдан) ўтишни рад этиш); 3172-модда (Бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан транспорт воситасини бошқариш), 3282-модда (Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларини жамоат жойида истеъмол қилиш ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари, токсик ёки бошқа маст қилувчи моддаларни истеъмол қилишдан келиб чиққан ҳолатда жамоат жойида пайдо бўлиш ёки ишда бўлиш), 337-модда (Сифатсиз маҳсулотларни чиқариш ёки реализация қилиш), 3411-модда (Нацистлар рамзлари ёки атрибутларини тарғиб қилиш ёки оммавий намоёйиш қилиш, тайёрлаш, тарқатиш), 3422-модда (Оммавий тадбирларни ташкил этиш ёки ўтказиш тартибини бир мартадан кўп бузиш), 343-модда (Порнографик материалларни ёки порнографик характердаги предметларни тайёрлаш ва тарқатиш), 3692-модда (Беларусь Республикаси қонунчилигини бузган ҳолда хорижий беғараз ёрдамдан фойдаланиш), 371-модда (Беларусь Республикаси давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш), 387-модда (Давлат мукофотларига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар), 421-модда (Превентив назорат талабларига риоя қилмаслик). Мазкур 20 та моддада “маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида” тарзида аниқ муддат белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, таъкидлаш жоизки, маъмурий ва интизомий преюдиция тўғрисидаги қоидалар Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг Умумий қисмида батафсил тартибга солинган бўлиб, маъмурий ёки интизомий преюдицияга бағишланган 32-моддасида кўрсатилишича, Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган ҳолларда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун жиноий жавобгарлик, агар қилмиш худди шундай қоидабузарлик учун маъмурий ёки интизомий жазо қўлланилгандан кейинги йил ичида содир этилган бўлса, вужудга келади. Бундан келиб чиқадики, мазкур норма орқали маъмурий ёки интизомий преюдицияли жиноятларнинг тоифаси аниқланган, худди шундай қилмишни қайта содир этганлик учун жиноий жавобгарлик вужудга келиши мумкин бўлган муддат ва мазкур муддатнинг ўтиши бошланиши пайти белгиланган.

Грузия Жиноят кодексининг қуйидаги моддаларида маъмурий преюдиция назарда тутилган [7]: 135-модда (Инсон қони ёки унинг таркибий қисмларининг ноқонуний савдоси, инсон қони ёки унинг таркибий қисмларининг ноқонуний экспорти ёки импорти), 1922-модда (Ноқонуний тарбия фаолияти), 1981-модда (Автомобил бензинининг сифат нормаларини ёки (ва) дизел ёқилғиси таркибининг нормаларини бузиш), 2381-модда (Совуқ қурол олиб юриш), 2481-модда (Изоляция ёки (ва) карантин қоидаларини бузиш), 273-модда (Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки прекурсорларини шифокор тайинланмасдан оз миқдорда ноқонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки (ва) ноқонуний истеъмол қилиш), 293-модда (Денгизни ифлослантириш), 296-модда (Континентал шельф, ҳудудий сувлар ёки Грузиянинг мутлақ иқтисодий зонаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш), 299-модда (Тегишли лицензиясиз ер ости ресурслардан ноқонуний фойдаланиш), 300-модда (Ноқонуний балиқ овлаш), 303-модда (Дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш), 3041-модда (Думалоқ ёғочларни (тўсинларни), дарахтларни ва буталарни ёки ўтин ёғочларини қонунда белгиланган тартибни бузган ҳолда ташиш), 306-модда (Атроф-муҳитга таъсир қилишга рухсатсиз фаолиятни амалга ошириш), 3061-модда (Табиатни муҳофаза қилиш баҳолаши кодексига назарда тутилган фаолиятни скрининг тўғрисидаги қарорсиз ёки табиатни муҳофаза қилиш қарорсиз амалга ошириш), 3222-модда (Оккупация қилинган ҳудудларда тақиқланган иқтисодий фаолиятни амалга ошириш), 355-модда (Мулкий ҳолати тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслик ёки декларацияга тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумотларни киритиш), 357-модда (Захира ҳарбий хизматидан бўйин товлаш), 3591-модда (Фавқулодда ҳолат ёки ҳарбий ҳолат режимини бузиш), 3601-модда (Қурилишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорни бажармаслик) 3811-модда (Чеклов ёки ҳимоя ордерида назарда тутилган талаблар ва мажбуриятларни бажармаслик. Социал ходимнинг вояга етмаганни олиб ташлаш тўғрисидаги қарорига бўйсунмаслик), 3812-модда (Васийлик ва ҳомийлик органининг талабларига риоя қилмаслик).

Юқоридаги моддалардан қуйидагилари эътиборни тортди. Грузия Жиноят кодексининг 3222-моддасида оккупация қилинган ҳудудларда тақиқланган иқтисодий фаолиятни амалга оширганлик учун мазкур моддада назарда тутилган қилмишни содир этганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган юридик шахснинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилган. Қолаверса, 2381-модда (Совуқ қурол олиб юриш)да нафақат худди шундай қилмиш (совуқ қурол олиб юриш) содир этганлик учун, балки бошқа қилмиш, яъни гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилган.

Туркменистон ЖКнинг қуйидаги моддаларида маъмурий преюдиция назарда тутилган [8]: 136-модда (Фоҳишалик билан шуғулланиш), 144-модда (Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 145-модда (Ёзишмалар, телефонда сўзлашув ва бошқа хабарларнинг сир сақланишини бузиш), 146-модда (Турар жойи дахлсизлигини бузиш), 151-модда (Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни, патент эгаларининг ҳуқуқларини бузиш), 154-модда (Вояга етмаганни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга жалб қилиш), 159-модда (Болалар ёки меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарни моддий таъминлаш учун маблағ тўламаслик), 227-модда (Муайян

худудда яшаш мажбуриятини юклаш шаклида жазони ўташдан ашаддий бўйин товлаш), 243-модда (Маъмурий назорат қоидаларини ашаддий бузиш), 244-модда (Йиғилишлар, митинглар, намойишлар ва бошқа оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини бузиш), 248-модда ( Мулкни майда талон-тарож қилиш), 266-модда (Монополистик ҳаракатлар ва рақобатни чеклаш), 341-модда (Ўтказиш мақсадида нос ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш), 383-модда (Учувчисиз учуш аппаратларининг техник ўлчовлари талабларини қасддан бузиш). Мазкур 14 та моддада “маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида” тарзида аниқ муддат белгилаб қўйилган.

Тожикистон Жиноят кодексининг қуйидаги моддаларида маъмурий преюдиция назарда тутилган [9]: 160-модда (Йиғилишлар, митинглар, намойишлар, пикетлар ва кўча юришларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини бузиш), 189-модда (Ижтимоий, ирқий, миллий, минтақавий, диний (конфессионал) адоват ёки келишмовчиликни кўзғатиш), 195-модда (Қурол, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ва портловчи мосламаларни ноқонуний сотиб олиш, ўтказиш, сотиш, сақлаш, ташиш ёки олиб юриш), 1991-модда (Пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси), 2121-модда (Бошқа бировнинг давлат рўйхатга олиш рақами, сохта рақами бўлган транспорт воситасини бошқариш ёки сохта транспорт воситаларини рўйхатга олиш рақамларини ишлаб чиқариш), 2122-модда (Ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаган ва маст ҳолатда бўлган шахс томонидан транспорт воситасини бошқариш), 226-модда (Сувларни ифлослантириш), 2371-модда (Вандализм), 275-модда (Фуқаролик битимлари, товарлар, ишлар ва хизматлар иштирокчиларини индивидуаллаштириш воситаларидан ноқонуний фойдаланиш), 2781-модда (Жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга (ювишга), терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ваколатли орган томонидан ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш), 286-модда (Чет эл валютаси билан ноқонуний битим тузиш), 289-модда (Контрабанда), 3341-модда (Диний таълимни ноқонуний амалга ошириш), 336-модда (Давлат чегараси режимининг бузилиши), 338-модда (Ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва унда ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш), 3411-модда (Сим картани электр алоқа тармоғига улаш ва уни сотиш бўйича Тожикистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларини бузиш). Мазкур 16 та моддада ҳам “маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида” тарзида аниқ муддат белгилаб қўйилган.

Эстониянинг 2001 йил 6 июндаги Жиноят кодексидан олдинги Жиноят кодексда маъмурий преюдицияли жиноятларни учратиш мумкин эди: 145.2-модда (Тармоқ газни, суюқ ёқилғи ёки энергияни ўзбошимчалик билан истеъмол қилиш), 148-модда (Ноқонуний тадбиркорлик), 148.1-модда (Солиққа тортиш тўғрисидаги қонунлар ва солиқлар тўғрисидаги қонунларни бузиш), 148.7-модда (Лотерея ўтказишга бўлган талабларини бузиш), 151-модда (Харидор ёки буюртмачини алдаш) ва бошқалар.

Янги кодексда маъмурий преюдиция 264-модда (Ҳайвонлар билан шафқатсиз муомалада бўлиш)нинг 1-қисми 1-банди (илгари шундай ҳаракатлар учун жазоланган шахс томонидан)дагина қолган эди [10]. Бироқ, 2015 йил 1 январдан



мазкур бандда назарда тутилган норма ҳам ўз кучини йўқотган бўлиб [11], ҳозирда Эстония Жиноят кодексида маъмурий преюдиция қўлланилмайди [12].

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексида дастлаб 1997 йилда маъмурий преюдиция мавжуд эмас эди [13]. Кейинчалик, Қозоғистон Республикасининг 2011 йил 18 январдаги “Қозоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят қонунчилигини янада инсонпарварлаштириш ва жиноят процессида қонунийлик кафолатларини мустаҳкамлашга оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 393-IV-сонли қонуни билан Жиноят кодекси 101-модда (“Маъмурий преюдиция”) билан тўлдирилган. Унга кўра, ушбу Кодекснинг махсус қисмида назарда тутилган ҳолларда, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят учун жиной жавобгарлик, агар қилмиш худди шу маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил ичида содир этилган бўлса, вужудга келиши белгиланди [14]. Ушбу қонун билан 140-модда (Меҳнатга лаёқатсиз эри (хотинини) моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 150.1-модда (Ходимлар вакилларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш), 198-модда (Ёлғонлиги олдиндан маълум реклама), 199-модда (Товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш), 302-модда (Транспортда амал қилувчи қоидаларни бузиш), 330.1-модда (Чиқариб юбориш тўғрисидаги қарорни бажармаслик), 362-модда (Суд ҳукми, суд қарори ёки бошқа суд ҳужжати ва ижро ҳужжатини ижро қилмаслик)ларда назарда тутилган жиноят таркибларига маъмурий преюдиция киритилган.

Бироқ, 2014 йил 3 июлдаги Жиноят кодексининг 10-моддасининг 3-қисмида маъмурий преюдиция ўрнига жинойий ножўя қилмиш ўз аксини топди [15]. Унга кўра, жинойий ножўя қилмиш деб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, оз миқдорда зарар етказган ёки шахсга, ташкилотга, жамиятга ёки давлатга зарар етказиш хавфини туғдирган, содир этганлик учун жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, жамоат ишларига жалб қилиш, қамоқ тарзидаги жазо назарда тутилган айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади.

Худди шундай ўзгаришларни Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексида ҳам кузатишимиз мумкин. 2017 йил 2 июлдаги Қирғизистон Республикаси Жиноят кодекси 1997 йил 1 октябрдаги Жиноят кодекси ўрнига келди. Янги жиноят кодекси билан бирга 2019 йил 1 январдан кучга к ирувчи Қирғизистон Республикаси ножўя қилмишлар тўғрисидаги кодекси [16], Қирғизистон Республикаси Бузилишлар тўғрисидаги кодекси [17] қабул қилинди. Шу муносабат билан, маъмурий преюдициядан воз кечилди. Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур учала кодекс ҳам 2021 йил 28 октябрдаги “Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексини, Қирғизистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини, Қирғизистон Республикаси ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексини амалга киритиш ва Қирғизистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги 126-сонли қонун билан ўз кучини йўқотган [18].

Озарбайжон Жиноят кодексида маъмурий преюдиция бевосита назарда тутилмаган бўлса-да, Озарбайжон Конституциявий суди Пленумининг 2014 йил 18 декабрдаги “Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 306.1-моддаси нуқтаи назаридан Озарбайжон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 37-моддасини шарҳлаш қилиш тўғрисида”ги Қарорида

“Агар Озарбайжон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 313-1.1-моддасига мувофиқ маъмурий жазо қўлланилган шахс суд ҳужжати талабларини атайлаб рад этишда давом этса, у Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 306.1-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади. Озарбайжон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 37-моддаси талаблари ушбу ҳолатларга татбиқ этилмайди [19]. Бундан кўриниб турибдики, маъмурий преюдиция ўзига хос тарзда бўлса-да қўлланилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, биринчидан, юқоридаги давлатларнинг ижобий тажрибаси, хусусан, маъмурий преюдицияли жиноятларда худди шундай жиноятни бир мартадан кўп содир этганлик учун жиноий жавобгарлик вужудга келиши мумкин бўлган аниқ муддатни белгилаш масаласи жиноят қонунчилигимизда такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, маъмурий преюдиция ҳозирда Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Грузия, Туркменистон, Тожикистон жиноят қонунчилигида қўлланилади, Эстония, Қозоғистон, Қирғизистон жиноят қонунчилигида эса бир вақтлар қўлланилган ва ҳозирда эса қўлланилмайди.

Учинчидан, айрим маъмурий преюдицияли жиноят таркибларини Жиноят кодексидан декриминализация қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда қилмишларни фақатгина ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор бериб, айрим нормаларни формалдан моддий таркибга ўтказиш ва айримларини эса сифат кўрсаткичларига мувофиқ тақсимлаш ўринли бўлади. Масалан суд амалиёти материаллари таҳлили солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашни маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг анча миқдорда такрор содир этиш жуда кам, 2-3% ни ташкил этишини кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Антонова Татьяна Леонтьевна. “Административная преюдиция в уголовном законодательстве России и зарубежных стран” Символ науки, no. 3, 2018, pp. 60-63.

2. Головки Л.В. Производство по делам об административных правонарушениях и административная юстиция: различия в процессуальной природе // Ежегодник Центра исследования правовой политики. Алматы, 2012. С. 207.

3. Головки Л.В. Соотношение уголовных преступлений и административных правонарушений: необходимость преодоления советских деформаций [Электронный ресурс] // Портал «Закон»: сайт. URL: <http://zakon.ru/Blogs/OneBlog/2965>

4. Оцтюрк против Германии (Ozturk v. Germany), постановление Европейского Суда по правам человека от 21 февраля 1984 года. [Электронный ресурс]. URL: <http://www.dissercat.com/content/metodologicheskie-aspektyrazresheniya-del-evropeiskim-sudom-po-pravamcheloveka>

5. 1996 йил 13 июндаги Россия Федерацияси Жиноят кодекси (2023 йил 13 июнгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга). [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30397073](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30397073)

6. 1999 йил 9 июлдаги Беларусь Республикаси Жиноят кодекси. (2023 йил 9 мартгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга). [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=30414984](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30414984)
7. 1999 йил 22 июлдаги Грузия Жиноят кодекси (2023 йил 2 февралгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга). <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?publication=247>
8. 1997 йил 12 июндаги Туркменистон Жиноят кодекси (2022 йил 17 апрелгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга) [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31295286](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286)
9. 1998 йил 21 майдаги Тожикистон Жиноят кодекси (2022 йил 24 декабргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга) [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=30397325#pos=8;-145](https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=8;-145)
10. <http://www.hartran.ee/index.php?id=7>
11. RT I, 12.07.2014, кучга кирган - 01.01.2015. <https://www.wipo.int/wipolex/ru/text/432563>
12. 2001 йил 6 июндаги Эстония Жиноят кодекси (2017 йил 10 январгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан бирга). <https://www.wipo.int/wipolex/ru/text/432563>.
13. 1997 йил 16 июлдаги Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси. [https://adilet.zan.kz/rus/archive/docs/K970000167\\_/16.07.1997](https://adilet.zan.kz/rus/archive/docs/K970000167_/16.07.1997)
14. Қозоғистон Республикасининг 2011 йил 18 январдаги 393-IV-сонли қонуни. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1100000393#z3>.
15. [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575252&pos=5;-106#pos=5;-106](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=5;-106#pos=5;-106)
16. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111529>
17. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111565>
18. <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/112305?cl=ru-ru>
19. <https://constcourt.gov.az/ru/decision/865>
20. Uktamovich K. F. TYPES AND CRIMINAL LEGAL ASPECTS OF THEFT OF PROPERTY USING BANK PLASTIC CARDS //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 08. – С. 7-10.